Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 7 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 83 (6579).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Тошкентдаги Ўқитувчилар уйида ўтган шанба куни Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таълим вазирларининг икки кун давом этган доимий ҳаракатдаги конференциясининг биринчи таъсис йиғилиши ўз ишини муваффақиятли якунлади.

МАҚСАД — ТАРҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ

Мустақил давлатлар тараққиётининг ҳозирги босқичи таълим тизимларидаги долзарб муаммоларни кучғайратларни бирлаштирган ҳолда ҳал этишни тақозо этади. Бу янгиланиш йўлидан бораётган мактабнинг ёш авлодга билим беришда жаҳон мезонлари даражасида бўлишга эришишга қаратилган масалалар, таълимнинг моддий-ўқув базасини бугунги кун ва келажак талаблари асосида мустаҳкамланишини таъминлаш борасидаги масалаларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам МДҲ мамлакатлари таълим вазирлари манфаатдорлик билан Тошкент учрашувига келганлари конференция кун тартибини белгилашдан тортиб, унда муҳокама этилган масалаларга ёндашишгача бўлган жараёнларда яққол намоён бўлди.

Конференция қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошевнинг МДҲ мамлакатлари доимий ҳаракатдаги конференциясини чақириш тўғрисидаги таклифи билан юзага келган мазкур учрашув ўз моҳияти билан катта тарихий ва амалий аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидладилар ва қўллаб-қувватладилар. Олдиндан кўрилган тайёргарлик — эксперт гуруҳларининг синчковлик билан ишлаб чиққан ҳужжатлар лойиҳалари бўйича музокараларда вазирлар энг муҳим масалаларда якдилликни изҳор қилишди. МДҲ мамлакатлари вазирларининг Тошкентдаги учрашувида қабул қилинган Битимда Доимий ҳаракатдаги конференцияни таъсис этиш зарурлиги ва у ижтимоий тараққиёт, давлатлараро бир-бирини тушуниш ва ҳамкорликни рўёбга чиқариш ишида салмоқли ҳисса бўлиши қайд қилинди.

Таълим соҳасида биргаликдаги дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликни рўёбга чиқарувчи бундай мувофиқлаштириш механизми катта аҳамият касб этади. Унинг фаолиятига умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва маданий мубоҳаса асос бўлади.

Йиғилишда доимий ҳаракатдаги конференция тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Унда конференция йилига камида бир марта чақирилиши, таълим соҳасида давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлигини таъминлаши, Битимга мувофиқ биргаликдаги кўп томонлама дастурлар ва лойиҳаларнинг амалга ошириш йўллари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиши, конференциянинг асосий вазифалари, унинг ишини ташкил этиш масалалари Низом моддаларида ўз ифодасини топди.

Конференция таълим вазирлари мувофиқлаштириши мумкин бўлган йирик масалаларни кўриб чиқади ва уларни МДҲ мамлакатлари ҳукуматларига қараб чиқиш учун тавсия этади. Бу масалалар орасида кам сонли миллатлар ва элатларга таълим бериш, таълим соҳасидаги давлатлараро дастурлар ва лойиҳалар, биргаликда амалга ошириладиган илмий-тадқиқотлар, доимий ҳаракатдаги конференция давлатлар халқлари тилида уларни дарсликлар, ўқув-методика адабиётлари билан таъминлаш, МДҲ давлатлари ҳудудида табиий офатлар юз берганида ва оғир экологик вазиятларда ёрдам кўрсатиш ҳамда бу борада таълим тизимлари кучларини мувофиқлаштириш, таълим, илмий даража ва унвонлар тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этишнинг ва уларга ёндашувнинг умумий принципларини шакллантириш ҳамда келишиб олиш сингари кўпдан-кўп муаммолар бор.

Доимий ҳаракатдаги конференциянинг қатнашчилари — МДҲ мамлакатлари таълим вазирлари биргаликда Баёнот қабул қилдилар. Бу ҳужжатда барча таълим муаммоларини ҳал этишда манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда кенг имкониятлар очилганлиги, бундай учрашувлар миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришда, ёш авлодда бошқа халқлар маданияти ва урф-одатига ҳурмат билан муносабатни шакллантиришда, болалар ва ёшларни умуминсоний қадриятлар ва жаҳон маданияти асосида тарбиялашнинг дастурларини ишлаб чиқишда муҳим омил эканлиги таъкидланади.

Учрашув қатнашчилари доимий ҳаракатдаги конференциянинг биринчи таъсис йиғилишини юксак савияда ўтишини таъминлагани, барча қатнашчилар ва меҳмонларга қулай шарт-шароитлар яратганлиги учун ташкилотчи Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига, республика Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига қизғин миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Асосий ҳужжатлар — МДҲ мамлакатлари таълим вазирларининг доимий ҳаракатдаги конференциясини таъсис этиш тўғрисидаги Тошкент Битимини ва Биргаликдаги Баёнотни Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина делегацияларининг раҳбарлари имзоладилар.

Навбатдаги Конференцияни Минскда ўтказишга қарор қилинди ва унинг кун тартиби ҳам белгилаб олинди. Минскдаги учрашувда таълим тўғрисида миллий таълим стандартлари (мезонлари) ва ҳужжатлар эквивалентлиги, миллат жиҳатдан кам сонли ва этник гуруҳларнинг таълимга эҳтиёжларини қондириш, МДҲ мамлакатлари таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг бажарилишининг бориши ҳақидаги ахборотларни кўриб чиқиш режалаштирилди.

Вазирлар учрашуви якунлангач, Ўқитувчилар уйида матбуот конференцияси ўтказилди. Сўнг МДҲ мамлакатлари таълим вазирлари ва делегацияларнинг бошқа аъзолари, меҳмонлар А. Навоий номли театрда академик Ҳ. Абдуллаев юбилейига бағишлаб ўтказилган тантанада қатнашдилар, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар, шаҳардаги ва Тошкент вилоятидаги халқ таълими муассасаларида бўлиб, мустақил Ўзбекистон ўқув юртларидаги янгиликлар билан танишдилар. Ана шу учрашувлардан бирида россиялик меҳмонлар таъкидлаганидек, Тошкент учрашувида мустақил давлатлар маорифчиларининг тенг ҳуқуқли, чинакам амалий ҳамкорлигига тамал тоши қўйилди ва у истиқболга хизмат қилади.

Маҳкам РАҲМОНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

АЛЛОМАНИ ШАРАФЛАБ

Мустақиллик шарофати билан босиб ўтган йўлимизга, ҳаётимиз, туриш-турмушимизга бутунлай бошқача назар ташланаётган шу кунларда Совет ҳокимияти йилларида ҳам ватанимиз истиқлоли истиқболини кўра олган, шу мақсадда жонини жабборга берган одамлар бўлганидан фахрланасан, киши. Ҳабиб Абдуллаев деганда, шундай фидойи инсон кўз ўнгимизда гавдаланади.

Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат катта академик опера ва балет театрининг муҳташам залига ташриф буюрган республика раҳбарлари, жамоатчилик намояндалари, олиму фозиллар, алломанинг сафдошлари ва шогирдлари, ёру биродарлари ва дўстлари, ўшлик бир гуруҳ юртдошлари, ҳамдўстлик мамлакатларидан келган меҳмонлар Ҳабиб Абдуллаев хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Президенти М. Салоҳиддинов буюк олим таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлисни очиб, Ҳабиб Абдуллаевнинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти, илмий кашфиётлари, фанга қўшган мислсиз ҳиссаси ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов мажлисда сўзга чиқиб, Ҳабиб Абдуллаев қисқа умр кўрганига қарамай, туғма истеъдоди туфайли Ватани, халқи бахтсаодати йўлида улкан ишларни қилишга улгурганини, эл-улуснинг чексиз меҳрини қозонган буюк юртдошимизнинг беминнат хизматларини алоҳида таъкидлади.

И. А. Каримов Ҳабиб Абдуллаев маъракаси муносабати билан унинг номидаги медаль таъсис этилганини, бу медаль она-юртимизнинг олий сифатли олтинидан тайёрланганини, биринчи нусхаси Фанлар академияси умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ академик, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофотининг совриндори, Ҳабиб Абдуллаевнинг шогирди ва сафдоши И. Ҳамробоевга топширилишини айтганида, залда гулдурос қарсаклар янгради. Ислом Абдуғаниевич олимнинг кўксига олтин медални тақиб, мукофотланганлик тўғрисидаги дипломни топширади.

И. Ҳамробоев мукофотни қабул қилиб олар экан, Ватан фани тараққиётига бундан кейин ҳам муносиб ҳисса қўшажагини, бу йўлда куч-қувватини аямаслигини айтиб, юксак мукофот учун республика раҳбарларига, Фанлар академиясига, уни тарбиялаб шу кунларга етказган она халқига самимий миннатдорлик изҳор этди.

Ҳабиб Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлис Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти билан ниҳоясига етди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев, Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев, Республика Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА).

Тошкент учрашувидан мамнунмиз!

— ДЕЙИШДИ МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛАРИ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган мамлакатлар таълим вазирларининг доимий ҳаракатдаги конференциясининг биринчи таъсис йиғилиши муваффақиятли якунланганлигини Тошкентдаги Ўқитувчилар уйи кичик залида шанба куни ўтган матбуот конференциясига тўпланган учрашув қатнашчиларининг чеҳрасиданоқ сезгир журналистлар дарҳол пайқаб олишди. Дарҳақиқат, Тошкент учрашуви мустақил давлатлар маорифчилари ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичини бошлаб берганлиги учун ҳам учрашув қатнашчилари журналистларга ёруғ юз билан юзландилар.

Матбуот конференциясини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев кириш сўзи билан очди. Нотиқ журналистларни МДҲ мамлакатлари таълим вазирликлари делегация бошлиқлари билан таништираркан, улар икки кун давомидаги учрашувда муҳим ва долзарб масалаларни ошкоралик, самимият ва ишчанлик вазиятида муҳокама қилганликларини таъкидлади.

— Учрашувда томонларга манфаатли ҳамкорлик қилиш йўлларини излаш ва рўёбга чиқаришга имкон берадиган муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва имзоланди, — деди нотиқ. — Энг муҳими, доимий ҳаракатдаги конференция таъсис этилди, унинг Низоми маъқулланди. Бу ҳужжатда мақсад ва вазифалар, конференциянинг мақомлари, чақирилиш муддатлари ва кўриб чиқиладиган масалалар доираси, унга тайёргарлик кўриш, муҳим муаммолар бўйича эксперт гуруҳларининг иш олиб бориш тартиблари, зарурат туғилган тақдирда маслаҳатлашувнинг, кенгашиб олишнинг амалга ошириладиган шакллари қайд этилган.

Тошкент учрашувида унинг қатнашчилари имзолаган Битим ва Баёнотда ҳам ҳамкорликнинг энг асосий йўналишлари, кўзда тутилган мақсадлар ўз ифодасини топди. Нотиқ учрашувда тилга олинган кўпгина масалаларни қисқача шарҳлади, уларнинг таълим соҳаси тараққиётида катта аҳамият касб этишини уқдириб ўтди. Энг муҳими, — деди у, — мустақил давлатлар делегация бошлиқлари ҳозирги иқтисодий тараққиётнинг мураккаб даврида биргаликда ҳаракат қилиш лозимлигини, келажак авлод тақдири учун астойдил ғамхўрлик қилишни тушуниб етдилар ва қалбдан ҳис қилдилар. Бу эса масалаларга конструктив ёндашишни таъминлашнинг омили бўлди. Аниқроқ қилиб айтганда, Тошкент учрашувининг руҳи амалий ҳамкорлик қилишга асос солди.

Матбуот конференциясига журналистлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан келишлари табиий ҳол. Шунинг учун ҳам дастлабки саволданоқ гап асосий мақсадга кўчди. «Маърифат» — «Учитель Узбекистана» газетасининг бош муҳаррири А. Долимовнинг «Мазкур учрашувни ташкил этишда олдиндан қандай мақсад ва вазифалар кўзланган эди, кун тартибида ана шунга оид қандай масалалар ҳал этишга эришилди?» — деган саволига Беларусь ва Россия Федерацияси халқ таълими вазирлари жавоб бериб, бир-бирларини тўлдирдилар.

Беларусь таълим вазири В. А. Гайсенок:

— Маълумки, илгари республикалар халқ таълими тизимлари муаммоларига оид мувофиқлаштириш ишлари Марказ ўз ихтиёрича бажарар, миллий республикалар талаб ва эҳтиёжлари деярли эътиборга олинмасди. Эндиликда бошқарувнинг бу тизими барҳам топди. Мустақил давлатлар таълим вазирликлари ўз ишларини мустақил амалга ошираётирлар. Бу — яхши. Бироқ қатор муаммолар борки, уларни ҳал этиш МДҲ мамлакатлари таълим тизимлари билан ҳамкорликда иш юритишни талаб этади. Ана шу эҳтиёж доимий ҳаракатдаги конференцияни таъсис этиш заруратини кўрсатди.

Конференциянинг вазифаси, унинг мақоми доирасига кирадиган масалалар, албатта, олдиндан ўйлангандир. Экспертлар булар устида жиддий ишладилар. Шу сабаб вазирларнинг мунозаравий мулоқоти енгил кечди ва кўзланган мақсадга эришилди.

Россия Федерацияси таълим вазири Э. Д. Днепров:

— Тошкент учрашувига таълим вазирликлари ўз ҳоҳиши ва манфаатдорлигини кўзлаб тўплангани учун ҳам ҳужжатларни муҳокама қилишда кескин қарама-қаршиликлар бўлмади. Хатто ҳужжатлар асоси рус тилида тайёрланиши ва улар Минскка — мувофиқлаштириш органига топширилиши тўғрисида ҳам якдиллик бўлди. Тошкентда тузилган ҳамкорликка оид Битимнинг асосий бандлари олдинданоқ кўзда тутилганди. Бу ҳужжат тўла амалга ошишига ва олдимизга қўйилган вазифалар бир-биримизни қўллаб қувватлаган ҳолда рўёбга чиқишига ишонаман.

«1 сентябрь» газетасининг мухбири Г. И. Слободчиковнинг «Мустақил мамлакатлар таълим вазирлари ҳамкорлигини амалга оширишда педагогик матбуот нималарга эътиборни қаратишини истардингиз?» деган саволига Россия Федерацияси Фан, олий таълим ва техника сиёсати вазирлигининг олий мактаб бўйича комитети раиси В. Г. Кинелев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б. Назаров, Арманистон маориф вазирининг ўринбосари А. И. Саградьян ва бошқалар жавоб бериб, аввало вақтли матбуот илғор тажрибаларни ва муаммоларни кенг ёритиши, янгиликлар юзасидан ахборотларни изчил бериб бориши, умуминсоний қадриятлар асосидаги ахлоқий нормаларни тарғиб қилиши, ҳамиша жойлардан тўғри ахборот бериши ва масалалар юзасидан мулоҳазалар, таклифлар айтиши лозимлигини қайд этдилар.

«Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Овози тожик» ва бошқа газета ҳамда журналлар мухбирларининг саволларига Туркманистон, Қирғизистон, Украина, Қозоғистон делегацияларининг бошлиқлари жавоб бердилар.

Туркманистон таълим вазирининг биринчи ўринбосари О. Бекжонов ўқув юртларининг таълим стандартлари ҳақидаги муаммолар тўғрисида тўхталиб, бу масала навбатдаги конференцияда кўрилиши зарурлигини уқтирди. У тарих масалаларини ёритиш устида тўхталиб, Ўрта Осиё тарихига оид дарслик яратиш концепцияси яқин муддатда ишлаб чиқилажагини, бу борада Ашхободда илмий-амалий кенгаш чақиришга тайёргарлик кўрилаётганини қайд этди.

Украина таълим вазири П. М. Таланчук сўзида шуни таъкидладики, конференциялар оралиғида энг муҳим муаммолар бўйича ҳам алоҳида йиғилишлар ўтказиб туриш лозим. Шу важдан Украина ва Россия делегациялари яқин вақт ичида илмий-амалий конференцияни ўтказиш таклифи билан чиқдилар ва бу учрашув қатнашчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ошкоралик, самимий вазиятда ўтган матбуот конференциясида таълим муаммоларига оид кўпгина масалаларга ҳам мустақил давлатлар ҳамдўстлиги таълим вазирликларининг делегация бошлиқлари батафсил жавоб беришди. Қирғизистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А. Барубаев таъкидлаганидек, матбуот конференцияси ҳам учрашув қатнашчиларининг таълимнинг катта муаммолари ечимини топишда ҳамжиҳатликка интилаётганликларини яна бир бор кўрсатди.

Ўз мухбиримиз.

КИНОАНЖУМАН АРАФАСИДА

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкентда ўтказиладиган XI халқаро киноанжумани арафасида турибмиз. Хўш, бу анжуманга тайёргарлик ишлари қандай кетяпти?

5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида кинофестивални ўтказувчи ташкилий қўмитанинг бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди.

Йиғилишда ушбу халқаро тадбирни ўтказишда хизмат этувчи гуруҳларнинг ҳисоботи тингланди.

XI Тошкент халқаро кинофестивалининг ажойиб хусусиятларидан бири — унинг давомийлигидир, деб таъкидланди йиғилишда. Бу галги анжуманнинг мустақиллик шароитида ўтказилаётгани жаҳон кино санъаткорлари диққатини ўзига жалб этмоқда. Хорижий мамлакатлардан фестивалда қатнашиш истаги билдирилган илтимосномалар ҳамон келиб турибди.

Шубҳа йўқки, уч қитъа мамлакатларининг XI Тошкент халқаро кино анжумани миллий киноматографиячилар ютуқларининг кўригига айланади, нафақат кино, айни вақтда маданият байрами бўлади.

Йиғилишни республика Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров бошқарди.

(ЎзА).

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

„Маърифат"

1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 264 СЎМ, ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

МАЪНАВИЙ МАДАДКОР

«Севимли рўзномамиз «Маърифат»нинг ҳам оғир иқтисодий қийинчиликлари унинг мухлисларини бефарқ қолдирмади. Нарх-наво осмонда бўлса-да, «Маърифат» рўзномасига мададкор бўлиш бизнинг бурчимиз. Чунки биз маорифчиларнинг ҳақиқий маънавий мададкори — «Маърифат», — дейишади Қўшкўпир район марказидаги Беруний номли ўрта мактаб ўқитувчилари. 51 нафар ўқитувчи «Маърифат» рўзномасига якдиллик билан обуна бўлдилар. Райондаги Мичурин номли ўрта мактабда 30 нафар, Калинин номли ўрта мактабда 21 нафар ўқитувчи ҳам «Маърифат»ни янги йил ўқишади. Улуғбек номли, О. Матниёзов, Фрунзе, Карл Маркс, А. С. Макаренко, А. Горький номли ўрта мактабларда обуна ишлари қизғин давом этмоқда.

Ғ. ЕҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

Ш. Р. Рашидов туғилган куннинг 75 йиллигига

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ СОДИҚ ФАРЗАНДИ

ТАРИХ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ЁРДАМ

Тарих ўқитувчилари олдида мураккаб вазифа турибди. Улар Ўзбекистон тарихининг етакчи, долзарб муаммоларини ечишда қўлланадиган дастур материалларини мафкуравий зўғумдан, сиёсийлаштирилган ёндашувдан тозалашлари керак. Шуни назарда тутар экан, республика Президенти И. А. Каримов, бизнинг мураккаб ва қарамақаршиликларга бой тарихимизни холисона ҳамда илмий баён қилиш тарихчи олимларимизнинг олижаноб ва масъулиятли вазифасидир, дея таъкидлаган эди.

Чин тарихий ҳақиқатни тиклаш учун «Ўтмишда бўлган ҳамма нарса — ёмони ҳам, яхшиси ҳам — бизнинг тарихимиз, ўтмишдошларимиз хотираси» деган қоидага амал қилиш кераклигини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди. Шунинг учун ўтмиш тарихига эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уни бўлар-бўлмасга қоралайвериш керак эмас.

Ўзбекистон тарихининг чуқур ва атрофлича ўрганилиши керак бўлган саҳифалари ичида 60—80-йиллар марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки худди мана шу даврга буюк давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидович Рашидов ижтимоий-сиёсий фаолиятининг энг муҳим ва масъулиятли босқичи тўғри келади.

Бу шахс республика тарихида шундай из қолдирдики, уни қоралашга бўлган ҳар қандай уриниш нодонлик билан баробардир. Шунинг учун Ўзбекистон тарихи бўйича машғулотларда, айниқса «Ўзбекистон 60-йиллар ўрталари — 80-йилларнинг бошларида», «Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий мустақиллик йўлида» мавзуларини ўтганда, синфдан ташқари ишларда — суҳбатларда, мунозараларда, назарий конференцияларда ўқувчиларга Ўзбекистондаги ижтимоий ривожланиш республика сиёсий ҳаётини Шароф Рашидов бошқарган даврда беқиёс гуллаб-яшнаганлигини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир.

Педагоглар суҳбат қуруқ бўлиб қолмаслиги учун шу йилларда республика ҳаритасида пайдо бўлган ўнлаб янги шаҳар ва қўрғонлар номини, янги суғориш каналларини, минглаб километрга чўзилган йўлларни тилга олиб ўтишлари лозим. Улар ичида бугунги кунда гуллаган воҳага айланган Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўллари, ўнлаб янги ГЭС ва ГРЭСлар, юзлаб завод, фабрика ва бошқа саноат корхоналари республика иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаб турибди. Аму-Бухоро магистрал канали, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда қурилган темир йўллар, Тошкент метроси, Фарғона водийсидаги кўплаб саноат корхоналари унинг номи билан чамбарчас боғлиқ. Шароф Рашидов Москва тазйиқи кучли бўлишига қарамай, Сибирь дарёларини Оролга буриб юбориш масаласини кўтариб чиқди ва уни юқори доираларда ҳимоя қила билди. Афсуски, «аср лойиҳаси» деб ном олган бу лойиҳа кўп меҳнат сарфланишига қарамай, қоғоздалигича қолиб кетди, тарихий имконият бой берилди.

Шу муносабат билан Орол фожиасида Ш. Р. Рашидовга қўйилган айблар қанчалар асоссизлигини қўқувчиларга атрофлича тушунтириб бериш мақсадга мувофиқ.

Тарихдан маълумки, Орол денгизи асрлар давомида бир неча бор қуриб, ер юзидан йўқ бўлиб кетган. Бошқа пайтларда унинг ҳавзаси тўлиб яна ўз ҳолига келган. Кўп йиллик кузатишлар Орол саёзлашганда Каспий денгизи сатҳи кўтарилишини ва, аксинча, Каспийдан сув қочганда Орол ўз ҳолига келишини ҳам исботлаган.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Орол фожиаси собиқ СССРнинг иттифоқ тузилмалари томонидан юритилган нотўғри аграр сиёсат оқибатидир. Бу сиёсатдан Ўрта Осиёдаги республикалар ҳам четда қолганлари йўқ.

Шундай қонуний савол туғилади: Бутун бошли денгиз фожиаси учун бутун масъулиятни бир киши зиммасига юклаш юкламинми?

Ш. Рашидов халқ таълимини ривожлантириш, ёшларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш тизимини такомиллаштириш, ўқувчи ва талабаларнинг чуқур ва мустаҳкам билим олишлари учун шарт-шароит яратишга катта аҳамият берди. У давлат сиёсати ишлари билан нечоғлик банд бўлишига қарамай, республикада истиқомат қилувчи барча халқлар манфаатларини кўзлаб иш юритарди.

Ш. Р. Рашидов республика раҳбари сифатида ўнлаб чет эл мамлакатларида бўлди, ҳамма ерда унинг ҳурмат ва иззатини жойига қўйишди.

Албатта, Ш. Р. Рашидов муайян тарихий давр вакили сифатида айрим қусурлардан ҳоли эмас. У кучли ва заиф, характерида қарамақарши сифатлари бўлган мураккаб шахс эди. Бироқ, ҳар қандай нуқсонлардан қатъи назар, буюк шахс эди.

Хўш, бу одамнинг муборак сиймосини қоралаш, вафот этган кишининг хотирасини ҳақоратлаш, унга қарши тарғибот ишларини олиб бориш, хокини қайта кўмишдек нопок ишларни бажариш кимга керак бўлиб қолди?

Ўқитувчи ана шу саволларга жавоб берар экан, 80-йилларнинг ўрталарида мамлакатда юзага келган мураккаб вазиятга эътиборни қаратмоғи лозим. Шубҳасиз, бу даврда мамлакатнинг барча минтақаларида порахўрлик, қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, хаспўшлаб кўрсатиш каби қўпол камчиликлар мавжуд эди. Бу салбий ҳолатлар иттифоқ раҳбарияти тизими фаолияти натижаси бўлиб, у партияга Н. С. Хрушчев раҳбарлик қилган даврдан бошланади. Худди ўша даврда Рязань вилоятида қўшиб ёзиш ва шу йўл билан давлатни алдаш авж олди. Бу қусур Л. И. Брежнев даврида, айниқса, чуқур илдиз отди, бутун мамлакатга ёйилди.

Хўш, ундай бўлса йўл қўйилган нуқсонларни тўғрилаш шиори остида туғилган қатағонлик нима учун айнан республикамизда авж олди?

Марказ томонидан сиёсий ва жисмоний қатағон қилишга уриниш Қозоғистондан бошланган эди. Бироқ марказ у ерда ўз режасини амалга ошира олмади. Зотан, маҳаллий ёшларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди.

Бироқ бу «тадбир» Ўзбекистонда амалга оширилди. Бу пайтга келиб республика ўзининг обрўли раҳбаридан ажралган эди. У билан мамлакат ҳокимиятнинг олий бўғинидаги ҳамма бўлинмалар ҳисоблашишарди. Чунки Рашидов узоқ вақт ҳукмрон партиянинг Сиёсий бюроси аъзоси бўлиб келди.

Ш. Р. Рашидов вафотидан кейин эса Марказ сиёсатдонлари Ўзбекистонни, қолаверса ўзбек халқини қоралаш учун пайт келганини англадилар. Бу режа тадбири собиқ КПСС Марказий Комитетида ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида амалга оширилди.

Маълумки, истилочилар ҳамма вақт ўз халқининг сотқинлари билан иш олиб бориб, ўз мақсадларига эришганлар. Бу гал ҳам шундай бўлди. Сотқинлар Рашидов билан ишлаганлар, ундан ўрганганлар, у туфайли хизмат пиллапоясидан юқорилаганлар орасидан чиқдилар. Улар собиқ москвалик раҳбарларнинг қўллаб-қувватлашида «Шароф Рашидовчилик»ка қарши, аста-секин, лекин ишончли ва тинчгина, ҳеч ким сезмасдан, ҳеч ким ҳеч нарсани ҳис этмасдан, ҳеч ким ҳеч нарсани ҳис этмасдан, ҳеч ким ҳеч нарсани ҳис эт

Нафосат бўстони

„БОҒЧА ОПАМ СОЗИ БОР...“

ҲАЙРАТ

Едимда ўша дамлар, само бўшлиқларида шуъладек таралиб юрган сеҳрли куйлар, янгроқ қўшиқлар, болалар қаҳқаҳаси...

Зафарбек ва Зуҳрахонларнинг никоҳ тўйлари давом этарди. Шодлик ва бахт. Тилаклар, табриклар қанот қоқади. Ўртада созандаю машшоқ, товусдек рақс тушаётган қиз. Хоразм элининг турли бурчакларидан келган бошқа санъаткорлар навбат кутарди. Ниҳоят бир гуруҳ созандаю қўшиқчилар майдонга чиқишди. Яна қарсаклар.

Тўладан келган, ёши қирқдан сал ошган, юзлари Наманган олмасининг икки палласидай қип-қизил, юраги мавжли дарёдай тўлқинли аёл созни сайрата бошлади. Оқ-қизил чеҳрали, қоп-қора мужгонлари устида тун янглиғ қошлари ўзига ярашиқ, сабза мўйловли ёш йигитнинг қўлида чирманда ёрилиб кетгудай. Бакабанг-бакабанг... Эндигина 20 баҳор нафаси юрагида гуркираётган, новда ниҳол қиз гармон билан тиллашади. Уларнинг ёнида яна ўсмир қиз ва бола. Бирининг қўлида дўмбира, бирида дутор. Сеҳрли бармоқлар созларда, табиий овозлар қўнғироқдек жаранглайди. Қадимий Хоразмнинг дилрабо қўшиқлари, оҳанглари дилингга тўлқин солади. Қўшиқлар, оҳанглар селобида дилларинг симобдай эрийди, ўзингни қушдай енгил сезасан.

Шу пайт ҳамроҳим хаёлимни бўлди.

— Булар оилавий — жамоавий ансамбль, Хоразмнинг фахри, — деб қўйди. — Торни сайратиб қўшиқ айтаётган аёл боғча мудираси. Чирмандачи йигит эса шу боғча ходими, ўсмир бола ва қизлар ҳам шу аёл фарзандлари. Агар санъаткорлар ишлаётган боғча иши билан қизиқмоқчи бўлсангиз, Хонқа районидаги Карл Маркс номли жамоага боринг, — қўшимча қилди у.

Ҳайратланаман. Наҳотки бир боғча мудираси шунчалик истеъдод эгаси бўлса? Боғчадаги кичкинтойларнинг гўзаллик тарбияси, улар ҳаёти қандай экан? Мудиранинг қалбида нималар бор? Шундай саволар кечарди юрагимда. Ўерга бормай иложинг йўқ.

БОЛАЛАР РЕСПУБЛИКАСИ

Мадр — Хонқадаги энг қадимий ва янги катта қишлоқлардан бири. Одамлари ҳам, географик ўрни ҳам ўзгача: фақат мевали боғлар, узумлару резаворлардан иборат. Она-ер каби содда, саховатли, заҳматкаш одамларнинг қалби очиқ, чеҳраларидан кулги аримайди. Бу ҳаётдан мамнунлигининг белгиси эмасмикин?

Ҳашаматли дарвозадан ичкари кирдик. Кенг саҳнли майдонларда дўмбоқчалар ўзлари қизиққан ишлар билан овора. Бир енгил машина дарвозадан келиб кириб тўхтади. Рулдан тушган йигит камина билан танишлардек дилхуш сўрашди. Кўзимга иссиқ кўринди. Танидим. Ўша Зафарбек билан Зуҳрахонларнинг никоҳ тўйларида чирмандани ўйнатган хушбичим йигит. Танишдик.

Арслонбек Тожиев билан қуёшга қараган икки қаватли оппоқ бино томон юрдик.

Зинадан иккинчи қаватга кўтарилдик. Шўх музика овози янграйди, болалар ашуласи эшитилади. Бир қизча рақсга тушаяпти. Ўзга олам, ажиб манзара намоён, кенг саҳнли, қип-қизил гиламлар солинган зал.

Тўладан келган аёл юқори группа болаларига ашула ўргатмоқда. У мисоли бир дирижёр бўлса, болалар — ансамбль. Биз уларга халақит бермаслик учун бўш стуллардан иккитасига ўтирдик. Аёл дарҳол биз томонга келди. Биз унга машғулотни давом эттиришни илтимос қилдик. У яна ишга киришди.

Арслонбек унинг тўғрисида пичирлаб қисқача сўзлаб берди. Бу аёл ўша тўйда сидқидилдан хизмат қилган санъаткор, шу боғча мудири Онажон Собирова эди.

Камина дил дафтарига боғчадан олган таассуротларини битади. Зал озода ва салқин, баҳаво. Деворларда ўзга дунё акс этган. Кўҳна Хоразм тарихи ва эртак қаҳрамонлари қиёфалари, халқ қаҳрамонлари, ҳайвонот дунёси, боғлар нафаси намоён. Болаликни тасвирловчи расмлар кишини романтик туйғуларга бошлайди. Гўзал шеърлар битилган нақшли деворларга.

Санъат юлдузлари даставвал ана шундай боғчаларда йилт этган нурдек акс этади. Болалар улғайиб борган сари Онажону Арслонбекларни алифбони ўргатган устозларидай илк устозларим дейди уларни. Болаларнинг янгроқ овозларию шўх қўшиқларини тинглар эканман, шундай фикрлар кечади дилимда.

Музика машғулоти тугагач, группалар овқатланиш залига ошиқди. Зал ҳам, болалар ҳам оқ ювиб, оқ таралган. Тарбиячилар Хосият Отажонова, Раҳима Тўраева, Саломат Раҳмонова, Сўнажон Шарипова, Болтажон Жуманиёзова, Гулнора Болтаевалар ўзларининг меҳр булоқларидан болалар онгини нурлантирадилар. Бу нурда ахлоқ ва одоб, бадантарбия, гўзаллик туйғулари, меҳнат тарбияси учқунлари акс этади. Боғчада гулгун очилиб, кун сайин ҳаётни дилларига сингдираётган, умид куртаклари унаётган 140 боладан икки тайёрлов группаси мактаб партасига йўл олди. Энди улар ўқитувчи, тарбиячилар қўлида математика сирларини, гап тузиб ўқишни ўрганишади, ақлларини қайрашади.

Боғча ҳаёти билан танишдим. Машғулот хоналарини кўрдим. Қалбимда ҳислар, фикрлар туғён қилади. Болалик ва келажак эгалари ҳақида ўйлайман.

Болалик! Руҳшунослик ва тарбияшунослик луғатларида «болалик» тушунчасининг таърифи берилмаган. Зотан, болалик тушунчасининг мазмунини аниқ тасаввур қилмай туриб, бола руҳияти ва педагогик руҳиятнинг асосий қоидалари, шунингдек боланинг ҳаракатлари ва хулқ-атворини тушуниш қийин. Бунинг учун ўзинг болаликка қайтишинг керак.

Ота — лой, она — кулол, бола — кўза, деб бекорга айтмаган бобокалонларимиз қадим-қадимдан, токи инқилобга қадар оналар — болалик боғбони, оталар эса турмуш карвони бўлишган. Оналар фарзандларга одоб, ахлоқ ва тарбия беришса, оталар рўзғор бешигини тебратишган, масжид ва мадрасаларда мударрислар уларга таълим ва илм-фан нурларини сингдиришган. Улар жамиятга маърифат қуёшини таратганлар. Зотан, тарбия ва таълим сомоншувоқ уйлардан бошланган ва нурланган.

Инқилобдан кейин боғча, ясли деган нарсалар пайдо бўлди. Ота-она жамият ва тирикчилик учун ишлашга мажбур.

Фарзандларини ҳам шу боғча ва яслиларга топширишга мажбур. Бу тарбия ўчоғи. Ва чора, бошқа илож ҳам йўқ. Тўғри, бу соҳада ижобий ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Болани севган боғча ходимлари анча тажриба тўплаган. Назарий ва амалий фикрлар йўқ эмас Онажонда ҳам.

— Болалик, — дейди у ўйланиб туриб, — инсон бошланғич ҳаётининг маълум бир даври. Бу даврни болалик республикаси дейиш мумкин.

Бироқ бу даврнинг кейинги даврлардан фарқи нимада? У ўз мулоҳазаларини шарҳлайди. Фикрларида болашуносликка, болалик характери, назарий мушоҳадалар акс этади.

Болалик бу — кичик, аммо катта республиканинг беғам-беташвиш турмушига нисбат берилиши эмасмикан? Агар бола ўз эҳтиёжларини қондиришдан бўлак ҳеч нарсани ўйламаса, у ўйиндан, кўнгилхушлик ва лаззатланишдан бошқа ҳеч нимани истамаса, буни болалик дейиш мумкин. Агар баъзи тарбиячи-педагогларнинг қарашларига асосланиб болалик даврини «ташвишсизлик» ва лаззатланишдан иборат бир «жаннат» даври деб қарайдиган бўлсак, бу хато фикр. Агар болани ўша сунъий «жаннат»да олиб тураверсак, бу унга фойда берармикин? Бунда болага зарар келтирамиз. Бу болаликни ҳимоя қилиш эмас, балки унинг моҳиятини бузган бўламиз. Бу билан болаларнинг турмуш поғоналаридан кўтарилишларига тўғон солган бўламиз. Ҳаётда шундай нотўғри тарбия бериш ҳоллари ҳамон йўқ эмас.

Тўғри, болалар фаолиятида ўйинқароқлик мавжуд. Ўйин ўзи нима, нима учун болалар унга кўпроқ интиладилар? Бола куч-ғайратни қаердан олади? Нега у куч-ғайратини бир ўйинда тугатмай туриб, янги-янги ўйинларни бошлайверади? Масалан, «Шолғом-шолғом» ўйинида гуркираган куч-ғайрати «Мушуксичқон» ўйинида сарфлаган куч-ғайратига нисбатан бутунлай бошқача бўлади? Бу, болалик табиати, унинг психологияси, ўйин — бола ривожланишининг боши, ўз-ўзидан пайдо бўладиган эркинлик шакли эмасми, ахир?

— Болалар ҳаётида ҳам катталарда бўлганидек муаммолар — мураккаб, ҳал қилиниши қийин бўлган муаммолар кўп, — фикрини давом этдиради Онажон, — улар болаларни ташвиш тортишга, азоб чекишга, қийинчиликларни енгишга, курашишга, қувонишга мажбур қилади. Болаларнинг ўзлари ўртасида, болалар билан катталар ўртасида ўзаро мураккаб муносабатлар юзага келади. Бизга арзимас бўлиб кўринган муносабатлар: болаларнинг муштлашиши, нима сабабдан йиғлаши, нега қувониши — булар мутлақо майда нарсалар эмас, балки болалар ҳаётининг маз муни. Булар руҳшунос ва педагог олимлар ўрганадиган, исбот талаб қиладиган назарий масалалар...

Онажон шу боғчада яқин ўн йилдан бери раҳбар. Ташкилотни, тарбиячи ва санъаткор сифатида болалар тарбияси сирларини беш қўлдай яхши билиши шундан. У боғчада болаларни ҳаётга, мактабга тайёрлашда жонкуяр, ташаббускор мураббий. Боғча болаларида ахлоқ ва одоб нормаларини тарбиялаш, меҳнатга ўргатиш, санъатга даъват этишдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этаётганидан қувонмасинми, ахир?

Болалар таъминоти Карл Маркс номли жамоа хўжалиги ҳисобида. Боғчадаги мавжуд боғ-роғлар, резавор экинлардан олинаётган ҳосилдан. Бирор маҳсулот тахчил бўлгудек бўлса, Онажон ўзининг шахсий машинасида дарҳол лозим бўлган ташкилотга йўл олади, уни ундириб келади. Ахир, боғча манфаати — болалар манфаати!

ҚОРА ДОҒЛАР

Жамоада рўй берган қора доғлар Онажоннинг сира ёдидан чиқмайди...

Онажон Собирова Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг собиқ раиси Жаҳонгир Уллиевни ташкилотчи, одамларга ғамхўр, меҳрибон раҳбар сифатида яхши биларди. 70-йиллари Хонқа ноҳиясида ишбилармон, энг адолатли, меҳнаткашларнинг ишончини қозонган Маркс Жуманиёзов (ҳозир у Хоразм вилоят ҳокими) собиқ партия қўмитасига раҳбарлик қиларди. Унинг таклифи билан Ж. Уллиев мазкур хўжаликка раис бўлиб келди. Ўша пайтлари марказнинг кўрсатмаси билан асосий эътибор пахтачиликка қаратилганди. У раҳбарлик қилаётган хўжаликда эса аҳвол ниҳоятда оғир, асосий тармоқлар — пахтачилик билан чорвачиликда ҳосилдорлик ниҳоятда паст, бошқа қўшимча тармоқларни кўтаришга киришилмаган эди. Аҳвол шундай бўлгач, меҳнаткашларнинг турмуш маданияти, моддий манфаатдорлик ва болалар боғчалари қурилиши, улар тарбияси ҳақида сўз очиш амри маҳол.

Онажон ўша пайтлари механик-ҳайдовчилик курсини тамомлаб келиб, машинада пахта терарди. Ҳосил тугагач, хўжаликда котиб бўлиб ишларди. Меҳнаткашлар ва правление йиғилишларида актив қатнашарди. Хўжаликни ривожлантириш юзасидан тузилаётган режаларни амалга оширишда қатнашарди. Янги раис шу ерда ишлаб юрган, хўжалик иқтисодининг паст-баландини яхши тушунадиган кишиларни ёнига тортар, тажрибали бригадирлар, суяги меҳнатда қотган деҳқонлар, қоловерса, қишлоқ оқсоқоллари билан бир ёқадан бош чиқариб иш юритарди.

Янги раис ерларнинг мелиоратив ҳолатини тартибга солди. Захни қочириш учун коллекторлар тортилди. Ҳадеб пахта экилавериб, ерлар толиқиб қолганди, ҳосилдорлик гектаридан 20—25 центнердан ошмасди. Нима қилмоқ керак? Раис бунинг йўлини топди. Экин майдонларига навбатма-навбат пахта, беда, маккажўхори ва лавлагини алмашлаб экишни жорий этди.

Жаҳонгир ака раис бўлиб келган йили хўжалик давлатдан икки миллион сўм қарздор эди. Шунга кўра техника сотиб олиш амри маҳол. У ўзи муҳандис-механик бўлиб ишлаган корхонаю ташкилотлар, қўшни хўжаликлардан илтимос қилиб энг зарур пайтда, мавсум авжига чиққан чоғларда улардан қўшимча зарур техника ускуналари келтириб ишни охирига етказарди.

Шундай қилиб, хўжалик тезда қаддини ростлади. Давлат қарзлари қопланди. Меҳнаткашлар маош олиш нималигини сеза бошлади. Чўмичлари мой кўрди, уйлари гиламу енгил машина кўрадиган бўлди. Машина парклари янги техника билан тўлди. Сут-товар фермаси сут-қаймоқ дарёсини кўпиртирди...

— Энди, — дейди Онажон суҳбатда, — Жаҳонгир аканинг кўнглида бир чигал бор эди. Буни у бир йиғилишда одамларга сўзлаб берди. Бу — заҳматкашларнинг турмуш маданияти масаласи. Хўжаликдаги аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш учун водопровод қувурлари ётқизиб оби ҳаёт олиб келган ҳам шу раис бўлди. Вилоятда даставвал хонадонларни хўжалик ҳисобига табиий газ билан таъминлаб чиққан ҳам Ж. Уллиев раҳбарлик қилган хўжалик бўлди...

Хўжалик территориясида Огаҳий номли ва «Комсомол» мактаби жойлашган. Маориф қурилиши, болалар тарбияси, мактабдан ташқари муассасалар ишларига вилоятда илк бор эътиборни қаратган ҳам, уларга ғамхўрлик кўрсатган ҳам шу раисдир. Унинг ишбилармонлиги билан бир қанча мавсумий дала боғчалари иш бошлади. Оналарга катта ғамхўрлик бўлди бу.

Унинг режасида навбатда доимий болалар боғчаси қуриш кўзда тутилганди. Маблағ етарли. Дарҳол ишга киришди. Мадр қишлоғида икки қаватли 140 ўринли доимий боғча қурилиб фойдаланишга топширилди. Катта майдонларда боғ, узумзор ташкил этилди. 1984 йили Онажон Собирова Тошкентдаги Маданият институтини тамомлаб келганди. Уни жамоа хўжалиги котиби вазифасидан боғча мудирлигига тайинлашди. Боғчанинг моддий таъминотини хўжалик ўз зиммасига олди.

Хўжалик ҳар томонлама ривожланиб борарди. Районни оёққа турғазган Маркс Жуманиёзов ўша давр шиори — «Партия ишончини оқлаш» баҳонасида бошқа қолоқ районга ишга юборилди. Шундан сўнг Ж. Уллиевнинг ҳам, О. Собированинг ҳам, меҳнаткашларнинг ҳам тинчи бузилди.

Хўжаликнинг собиқ партия ташкилоти котиби раснинг ютуқларини кўролмас, ҳар хил йўллар билан унинг ўрнига раис бўлиш режасини тузиб қўйган эди. Раис тўғрисида фисқу-фасод гапларни тарқатарди. Районнинг янги «хўжайин»и ҳам Ж. Уллиевни ишдан бўшатиш учун уни бир неча марта элаб кўрди. Шунда Ж. Уллиев: «Мени хўжаликнинг умумий йиғилишида меҳнаткашлар бир овоздан раис қилиб сайлашган эди. Мабодо улар «боринг, бўшанг», дейишса шу куниёқ ўзим ишни топшириб кетаман» қабилида жавоб қилди. Шу бўлди-ю икки раҳбар ўртасида қора мушук ўтиб кетди...» («Ўзбекистон овози», 1992 йил 21 июль).

...«Жиноятчи»ларнинг озод бўлишида боғча мудири Онажон Собированинг ҳам улуши — ҳақиқат учун кураши катта эди.

Шу ўринда бир фикр туғилади... Ўқувчилар, раснинг аччиқ тақдири ҳақидаги бу эпизод мавзуга дахлдор эмаску, деб каминадан ранжишлари мумкин. Бироқ бу хусусда Онажоннинг куйиб-пишиб ҳикоя қилиши, раис ҳаёти билан боғлиқ матбуот материаллари, Онажонни боғчани оёққа турғизишдаги курашлари мавзуни тўлдиришга хизмат қилади.

Дарвоқе, боғчада бўлиб ходимлар ва болалар билан суҳбатлашганимда, улар фахр билан «Боғча опамнинг сози бор», дейишган эди. Хўш, бу қандай соз экан?

ХАЛФАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хоразмда бўлганида, вилоят санъат юлдузларининг бебаҳо шўх қўшиқлари, шўх халқ куйлари ва рақсларидан таъсирланиб, уларни «халқ халфалари» деб атаганди. Бу фикрда нурли ҳақиқат бор.

Кўҳна ва навқирон Хоразм қадим-қадимдан илм-фан ва санъат макони бўлган. Содда одамлари ўзларининг шўх табиатидай соз чалишни севганлар, шўх қўшиқлар, рақслар яратганлар. Қувончу аламларини, ишқ туйғуларини созга солганлар. Бу ерда Хоразмшоҳлару ундан кейинги ўтган хонлар ҳам санъатни ардоқлаганлар, ўзлари ҳам санъаткор бўлганлар. Машҳур созандаю машшоқларни, қўшиқчи ва рақс усталарини, шоиру фузалоларни саройга тўплаб, уларнинг хизматлари эвазига мукофотлар беришган. Бизгача етиб келган машҳур санъат асарлари — «Хоразм шашмақомлари» ўша даврнинг маҳсулидир.

Бу мамлакатнинг кейинги хонларидан бири, Феруз тахаллуси билан машҳур асарлар ва куйлар яратган Муҳаммад Раҳимхон даврида юзлаб санъаткору назм усталари ва муаррихлар етишиб чиққани тарихий ҳақиқат. Уларнинг маданий меросини ўрганиш ва нашр этиш, юбилейларини ўтказиш, пок руҳларини шод этишда олим ва раҳбарлар нега ҳамон жим? Алишер Навоий даври ва Қўқон хонликлари даврларида ҳам юксак истеъдод соҳиблари етишиб чиққанлар. Уларнинг бебаҳо руҳлари бугунги авлоддан хурсандмикинлар?

Алишер Навоийдан олдинроқ яшаб ижод этган дунёвий шоир ва олим Ҳофиз Хоразмийнинг бой меросини халқимизга талқин этиш ва унинг тўйини ўтказиш, порлоқ хотирасини абадийлаштириш маҳотки эсимизга келмаса. Ундан кейинги даврда яшаб ижод этган бошқа хоразмликлар — Комил Хоразмий, Огаҳий, Аваз Ўтар, инқилобгача ва инқилобдан кейин халқ оғзига тушган бошқа санъаткорларчи? Уларни ким эслайди, ким?..

Онажон Собирова етук санъаткорлардан бири. Унинг асосий касби боғча мудирлиги бўлса ҳам, санъат ошиғи, унинг отаси кулол бўлган, санъатни севган. Онажон эса бу ҳунар сирларини улардан пухта ўрганган. 1979 йилдан бери унинг номи оғизга тушган. Созни маҳорат билан чалиши, ширали овозига халқ ошиқ. У халқ орасида тез-тез бўлади. Хоразм радио ва телевиденеисида чиқишлар қилади, тингловчиларнинг олқишларига сазовор бўлади. Ўзбекистон зангори экранида ҳам чиқиш нияти бор. Бу орзуси ҳам ушалса, ажаб эмас.

Олма олмадан, гул қуёшдан ранг олади. Қиз онага, ўғил отага тортади. Нимаики бўлса қон билан фарзандга ўтади. Онажондаги санъат ишқи фарзандларига мерос бўлиб ўтса, не ажаб. Қизи Интизор Тошкент маданият институти талабаси. Созларнинг барча турларини булбулдай сайратади. У қўшиқ айтганида Комилжону Ортиқлар табассум қилади. Нигораю Равшанбек ва Нишфарларнинг истеъдодига тасанно ўқийди эли.

Санъаткор она оилавий, жамоавий ансамбль тузганига кўп йил бўлди. Улар хоразмликларнинг тўй маъракаларида жозибали концертлар беришади. Тушган маблағларининг бир қисмини болалар боғчасига, қолганини эса рўзғорга сарфлашади. Элга хизмат қилганларнинг ҳамиша ишлари беш-да.

Онажоннинг репертуари хилма-хил, мазмунли — классик ва замонавий қўшиқлар гулдастасидан иборат. «Кўзингнинг хумориман», «Сумалак», «Оғам дерман», «Хоразм ланарлари» унинг ижодидир. Онажон ҳар бир қўшиқни ўзига хос оҳанг ва жозиба билан куйлайди. У истеъдодли шоира ҳам. Ўзи ёзган шеърларига ўзи куй басталайди, уни ширали пардаларда ижро этади, фарзандларига ҳам ўргатади.

Тарбиячи ва халфа Онажон Собирова бокира санъати билан Хоразмда машҳур. Унинг овозини, ижро маҳоратини ёқтирадиган таниқли шоир ва истеъдодли олим Сафо Очил қуйидаги янги шеърида Онажон тимсолини яратган кўринади.

ХАЛФАЛАР ЖАҲОНИДА

Ажойиб гул унибди
Мадрнинг майдонинда.
Минг хил рангда дўнибди
Хораэм бўстонинда.
Мадрнинг майдонинан айланин,
Хоразм бўстонинан айланин.
Бели нозик, қайишган
Юрагим уммонинда.
Ўзи кимга қайишган,
Муҳаббат айвонинда.
Юрагим уммонинан айланин,
Муҳаббат айвонинан айланин.
Меҳрим унга вобаста.
Халфалар жаҳонинда.
Нафосатли гулдаста.
Сафо Очил жонинда.
Халфалар жаҳонинан айланин,
Сафо Очил жонинан айланин.

Ансамбль аъзоси, боғча таъминотчиси Арслонбек Тожиев Онажоннинг яқин дўсти, санъатда ҳамкори. Унинг устози акаси Мақсуджон бўлган. Ал-Беруний номли мактабда ўқиб юрган чоғлариданоқ санъатга меҳр қўйган. Онажон билан бир жамоада ишлаб созандалик қилганидан бери санъат гулшанидан жуда кўплаб гуллар териб уни халққа ҳадя этади. Унинг қўшиқлар гулдастаси орасида шоир Сафо Очилнинг шеърларига басталанган «Оламга донг таратдинг», «Айтсамми ё айтмасам», Омон Матчон шеъри билан айтиладиган «Умр ўтар», туркман шоири Махтумқули шеъри билан «Ёл чоқчи дунё» ва бошқа қўшиқлари унинг ижросида янгича маъно кашф этган. Унинг ака-укалари ҳам катта санъаткор.

Онажон ва Арслонбеклар Ўзбекистон ва қўшни жумҳуриятларда ўтказилган халқ талантлари синовларида кўп йилдан бери фаол қатнашиб, совринлар, дипломлар билан тақдирландилар. Бу икки санъаткор — бошқа ходимлар 1988 йилда Москвада халқ ижоди бўйича ўтказилган жаҳон фестивалида фаол иштирок этиб, ўз истеъдодларини намойиш қилдилар. Хоразм шеърияти, қўшиқлари ва фольклор намуналарини ўз оҳанглари билан ижро этиб, куй ва қўшиқлар сеҳрини томошабинлар қалбига сингдириб, фестиваль лауреати бўлиб қайтишди.

Тўғри, ҳозирча уларнинг бирор бир унвонлари йўқ, аммо бир юксак унвонлари бор, бу — санъаткор инсон. Уларни халқ қадрлаяпти, улар ҳали яна қадрланаверадилар.

АШУР АЛИ АҲМАД ўғли.
Хоразм — Тошкент.

МИЛЛИЙЛАШТИРИШ АСОСИДА

Избоскан районидаги «Шабнам» 25-болалар боғчасида тажрибали мудира, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Марьям Баталова бошчилигидаги тарбиячилар болаларни миллийлик руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият бермоқдалар.

Боғчада 240 нафар жажжи кичкинтой тарбияланмоқда. Машғулотлар ўтказилиши учун гуруҳ хоналари миллийлик бўйича безатилган. Болаларга таълим-тарбия беришда улуғ шоирлардан Навоий, Бобур, Нодирабегимларнинг одоб-ахлоқ ҳақидаги ҳадисларидан қўлланилаётир. Боғчада таълим-тарбия ишларини олиб боришда тарбиячилардан С. Мамажонова, К. Турсунова, Ч. Мирзаева, Ё. Омонова, Х. Рашидова тинмай изланмоқдалар. Бундан ташқари, болаларга ўзбек алифбоси ўргатилмоқда. Ундан болалар одоб-ахлоқ ҳақида яхши таълим-тарбия олишлари мумкин.

Ш. КЕЛДИЕВ.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(700064, Глинка кўчаси, 3)

1992 ЙИЛ УЧУН ДОКТОРАНТУРАГА 13.00.01 — ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фан номзоди, илмий-педагогик ходим сифатида ўзини кўрсатган, илмий муаммоларни ҳал қила оладиган, юксак даражада илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қобилиятли, танлаган соҳаси бўйича илмий ютуқларни қўлга киритган, 40 ёшдан катта бўлмаган кишилар қабул қилинади. Докторантлар ўзининг чуқур ва кенг назарий тайёргарлиги, педагогика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларига яқиндан ёндашганлиги, юксак маънавий-сиёсий онги ва фаол фуқаролик муносабати билан ажралиб туриши керак.

Докторантурада ўқиш муддати 3 йил.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

Ректор номига ариза;

Қадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, расми билан;

Докторантлик илмий-тадқиқот батафсил режаси;

Илмий-тадқиқот иши бўйича ҳисобот ва чоп этилган илмий ишларнинг рўйхати;

Иш жойидан тавсифнома — йўлланма;

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантура бўлимига (тел. 54-74-20), ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосарига (тел. 55-47-86) мурожаат этиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАРБИЯЧИЛАРИНИНГ 1-АДАБИЙ АНЖУМАНИ ОЛДИДАН

Мирза Қайнаров 1939 йилда туғилган. 1962 йили Самарқанд дорилфунунининг физика-математика куллиётини тамомлаган. Ҳозир Ш. Рашидов район халқ таълими бўлими ходими.

* * *

Уринса-да муаллим ҳарчанд,
Мутлоқ жимлик бўлмайди асло.
Болакайлар шу боис дарсда
Таъзирини ейдилар гоҳо.
Кўп уринма, дўстим, бефойда,
Сукунатни ёқтирмас одам.
Товуш бўлар ҳаёт бор жойда,
Жимлик бўлмас қабристонда ҳам.

* * *

Гоҳида кечикиб бошлаймиз ўроқ,
Эртароқ пишгани топади завол.
Гоҳида эртароқ бошлаймиз, бироқ
Етилмай қолгани бўлади увол.
Ўлимдан бошқасин эртаси яхши,
Деганлар янглишар, янглишар буткул.
Барча иш вақтида бўлгани яхши,
Ўлим ҳам вақтида келгани маъқул.

Мирза ҚАЙНАРОВ.

ҲУВИЛЛАГАН КЎЧА

Кўчалар жаранглаб кетар
қийқириқлардан.
Сочилиб кетади
қувончлар
кунларига.
Шу пайт
Саросима овоз келар кўча бошидан:
— Қудрат!
Отанг маст келяпти, маст,
Қоч, уради!
Ҳувиллаган кўчанинг
Ҳувиллаган тўзонларида
Карахт қотган боланинг
Ўйларини тиндирар шу сўз.
Даҳшат қотиб қолади
нигоҳларида.
Чўкиртакдай қадалади
оёқларига.
Чайқала бошлайди
дунё беҳудуд
оёғида туролмасдан.
Ҳувиллаган кўчанинг
Ҳувиллаган тўзонларида
Карахт қотган боланинг
орзулари,
умидлари,
қувончлари
Оқа бошлар кўзларидан...

Энахон СИДДИҚОВА,
Фарғона ноҳияси Водил қишлоғидаги 4-мактаб ўқитувчиси.

КОМИССИЯ

(ҲАЖВИЯ)

Биология ўқитувчиси Нажмиддинов мактабга келганда, мактаб мудири Усмонов шошилинч ғиғилишни бошлаётган эди. Усмонов йиғилганларга бир-бир қараб томоқ қирди ва сўз бошлади.

— Ҳозиргина район халқ таълими бўлимидан кўнгироқ қилишди. Мактабимизга комиссия келяпти! Юқоридан ўртоқ Қудратов! Ёнида райОНО вакили Насимов ҳам бўлар экан. Ҳамма конспектини тасдиқлатсин! Иложи борича дарсларда кўргазмали қуроллардан, техника воситаларидан фойдаланинглар...

Қолган гаплар Нажмиддиновнинг қулоғига кирмади. «Комиссия» сўзини эшитганидаёқ унинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

Ҳаммаси қуриб кетсин. Аслида айб ўзида. Ўттиз ёшгача тайинли касбнинг бошини тутмади. Сартарош, сураткаш, товуқбоқар бўлди. Қассобликни, доира чалишни, бичишни ўрганди. Ахири шу мактабга ошпаз бўлиб келди. Улфатлари калака қилиб домла деб атайдиган бўлишди. Ошпазлик қилиб юрганда маориф соҳасида ишлайдиганларни енгиллик билан педагогика институтига қабул қилишаётганини эшитди. Бу ҳақда Усмоновдан сўраганда:

— Озгина шапкаси бор. Агар кўнглингизда бўлса, бир эрийсиз; қарабсизки, бир думалаб муаллимсиз-да, — деган жавобни олди.

Хуллас, «озгина шапка» рўзғорнинг бир ёнини ўпириб кетди. Икки кам қирқ ёшида сиртқи бўлим талабаси бўлди. Сиртқи бўлимни ўйлаб топганларга лаънат! Уни ўқиганлар билади! Ҳар йили қирқ кун ўқиш. Беш йилда ўқиганларини жамласа ярим йил! Кошки ярим йил ҳам ўқиган бўлса. Домлаларга совға-салом, ҳовлисида мардикорлик билан умри ўтди-кетди.

Бир замонлар сартарошлик учун бир йил ўқиган Нажмиддинов ҳаммасини жамласа, ярим йил бўладиган сиртқи бўлимни қирқ ёшдан ҳатлаганда тамомлади. Қирқ ёшдан сўнг соз ўрганган охирот карнайини чалади, деганлари рост экан. Ана, чалиб юрибди! Қайси синфга кирса, қий-чув, тўполон! Бу зумрашаларнинг саволлари эзиб ташлайди. Бир дарсда аллақандай маҳмадона саволга қўл кўтарди.

— Муаллим, қурбақа билан бақанинг фарқи борми?

Нажмиддинов тилини тишлади. Фарқи бормикан?! Ҳаёлига келган жавобдан юраги ҳапқириб кетди.

— Бор. Бақа урғочиси, қурбақа эркаги, чунки эркаги қурриллайди.

Болалар саволни атайин берганлиги аён бўлди. Кимдир кулди, бирови қийқирди, ҳатто айримлари чапак чалди.

Қурбақа ҳангомаси мактабга, қишлоққа тарқалди. Рўзиевга ўхшаган муаллимлар ҳар кун соқол олишни, кўйлакка мос галстук тақишни билмайди-ю, Нажмиддиновнинг ғашига тегиш учун ҳар замонда қурбақа бўлиб сайрашни унутмайди.

Қайси кунги воқеа ҳам латифага айланиши муқаррар. Нажмиддинов маймуннинг одамга айланишини беш дақиқадаёқ юмалоқ ёстиқ қилиб тушунтирди ва буюрди.

— Қани, ўқинглар!

Бир тиқмизак «Саволим бор» деганда, Нажмиддиновнинг юраги шув этиб кетди.

— Муаллим, биз-ку маймундан тарқалган эканмиз, маймун нимадан пайдо бўлган?

Нажмиддинов қовун туширишдан қўрқиб:

— Буни кейинги дарсда ўрганамиз, — деди.

Ўқувчи қаноатланмай саволни давом эттирди:

— Муаллим, демак, биз ҳайвондан тарқаган эканмиз-да.

Нажмиддинов нима дейишни билмай сўзсиз бош силкитди.

Ўқувчи давом этди:

— Демак, сизу биз асли ҳайвон эканмиз-да.

— Вой аҳмоғей, нима дейди бу. Йўқ биз, яъни сен гараққий қилган ҳайвонсан, билдингми.

— Унда, сиз энг тараққий қилган ҳайвон экансизда!

Синфни қаҳқаҳа тутди. Нажмиддинов майна бўлаётганини англаб, столни муштлади.

— Ўчир овозингни, эшшак!

Нажмидиднов хаёл билан бўлиб йиғилиш тугаганини сезмай қолди.

Кўп ўтмай Қудратов ва Насимов кириб келди. Улар Аминовнинг дарсига кирадиган бўлишибди. Ҳалиям ўша бор — мактабнинг қалқони. Нажмиддинов игнанинг устига ўтиргандай биринчи соатни ўтказди. Танаффусга қўнғироқ чалинди. У билинтирмай синф журналини олиб кейинги дарсга кирмоқчи эди. Усмонов имлаб чақирди. Нажмиддинов гиззалари қалтираб мактаб мудирининг олдига борди.

— Булар биология дарсларини ҳам қузатишмоқчи эканлар.

— Ихтиёрингиз, — овози ҳатто ўзига ҳам эшитилмади.

— Сизникига олиб кирсакмикан ёки Ҳайитованинг дарси маъқулмикан? Ҳали ташкилий ишлар ҳам бор.

Усмонов унга синовчан тикилди. Нажмиддиновга бирдан жон кирди.

— Улар Ҳайитованинг дарсига кирса ташкилий ишни мен қила қолай.

Директор ўз ишига пухта одам. Зиёфатни ҳам шундай усталик билан бировнинг бўйнига илдириб юбора оларди.

— Ўзингиз биласиз, булар бугун-эрта бўлишса керак. Хўш, сизникига кечқурун ўтармиз. Тушда шу ерда овқатланамиз, ҳали иккинчи смена ҳам бор. Майли, дарсга бораверинг.

Нажмиддинов дарсга юриб эмас, учиб кирди. Унинг кайфи чоғ эди. Бир улфатчилик билан ҳамма балодан қутилади. Ахир дарсдаги ҳангомалар вилоятга ёйилса, сўнг кўрасиз томошани! Озроқ чиқимдор бўлса, майли, ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолсин. У ўнинчи синфда ўқийдиган ўғлини чақиртирди.

— Дарров уйга бор! Онангга тайинла, соат бешларда уйга жуда нозик меҳмонлар боради. Овқат, албатта, икки хил бўлсин! Патир ёпсин! Гўшт камлик қилса, дарров оқ хўрозни сўйиб бер! Меҳмонлар тўрт ё бешта бўладилар. Ароқни мен ўзим топиб бораман. Ўқдингми? Энди уйга уч!

У мамнун эди. Ўқувчиларнинг пичир-пичири, ўзаро жанжали, тўполони ҳам кайфиятини буза олмади. Танаффусда у ҳам бошқа муаллимларга ўхшаб латифага қўшилар, ниманидир баҳона қилиб тинимсиз кулар, хуллас, беғам, билимдон, ишонган ўқитувчидек тутарди ўзини. Чунки Усмонов комиссияни дарсларига олиб кирмаслигига амин эди. Дарс тамом бўлгач, Усмоновга вақтлироқ боришни эслатиб, уйга жўнади. Хотини ҳамма ишни кўнгилдагидек қилган, меҳмонхона аллақачон меҳмонларга мунтазир, ҳовлини хўроз шўрванинг ҳиди тутган эди.

— Камчилик борми? — сўради чучвара тугаётган хотинидан.

— Меҳмонларингиз қаердан ўзи?

— Юқоридан ҳам бор, ўзимизникилар ҳам...

— Ундай бўлса шўрданак ҳам топиб келинг! Барибир ҳалиги зорманда учун бозорга борасиз-ку!

Мехмонлар айтилган вақтда келишди. Улар тўрт киши эди. Мактаб мудири Усмонов, юқоридан келган вакил Қудратов, район вакили Насимов, мактабнинг энг зўр шахматчиси ва даврлар соқийси Сатторов.

Улфатчилик бошланди. Сатторов соқийликни қўлга олди. У булбулигўё бўлиб сайради. Умар Хайём рубоийларини қаторлаштириб ташлади. Аммо Қудратов юрак касаллигини важ қилиб бир қадаҳ ҳам олмади, хўроз шўрвани мақтаб-мақтаб ичди.

Умуман давра ширин бўлди. Усмонов қадаҳ сўзида Нажмиддиновнинг кўп ҳунар эгаси эканлигини мақтаб гапирди, лекин ўқитувчилик фаолияти ҳақида сўз очмади, бу томонини андавалаб ўтди. Асосий меҳмон ичмагандан кейин бошқалар ҳам ўзини тийишди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди, бироз чойхўрлик қилишди. Қудратов Нажмиддиновнинг шахсий кутубхонаси билан қизиққан эди, у эшитмаганга олди. Қанақа кутубхона?! Туманнинг марказий кутубхонаси қаерда эканлигини билмай-ю, уйида китоб нима қилсин?! Меҳмонлар дам олиш истагини билдирдилар. Шу хонадан жой тайёрланди. Сатторов Нажмиддиновга кўз қисди: икки партия шахмат ўйнаймиз. Иккаласи бошқа хонага ўтишди. Сатторов анча яхши шахматчи, бироқ бир ютса бир ой мақтаниб юради.

— Меҳмонимиз бўлмади, — сўз бошлади Сатторов. — олиб келинг ҳалигини! Закускага помидор бўлса, бас, Қоринлар тўқ. Иккаласи бир пиёладан ичишди. Ўйин бошланди.

— Ким ютқазса, ўша ичади, — шарт қўйди Сатторов.

— Йўқ, истасангиз ўзингиз ичаверинг. Мен ҳали конспект ёзишим керак, эртага беш соат дарсим бор.

Сатторов унга ғалати қаради.

— Ҳеч ақлингиз кирмади, кирмади-да! Энди улар сизнинг дарсга кирадими, ана ўтдингиз-ку! Конспект эмиш! Мен сизнинг ўрнингизда бўлсам, эртага умуман мактабга ҳам бормасдим. Олинг, урдик!

Ўйин қизиди... иккинчи партия ярим бўлганда, Сатторов кейинги шишани очди.

Энг катта рақиби — оқ хўроз шўрва бўлгани учунми, қора хўроз ўзининг борлигини бир-икки марта билдириб қўйди. Учинчи шишанинг бўшаши қийин бўлди. Охирги партияда Нажмиддинов ютган бўлса ҳам, умумий ҳисобда Сатторов олдинда эди. Ниҳоят ўйин тўхтади. Шишанинг тагидагини тенг бўлиб ичишди.

— Мен қайтаман. Ҳадемай тонг отади. — Сатторов Нажмиддинов билан кучоқлашиб-ўпишиб хайрлашаркан, тайинлади:

— Эртага дарсга борманг, мен ҳам бормайман. Барибир сизу бизни ҳеч ким суриштирмайди. Хайр.

Нажмиддинов қанча ухлади, билмайди.

— Дада, туринг! Меҳмонлар аллақачон уйғонишди. Онам нонуштани тайёрладилар, — дея ўғли уйғотди.

Нажмиддинов зўрға кўзларини очди, қуруқшаган лабларини ялаб қўйди. Боши лўқиллаб оғрир, калласини кўтаргулик ҳоли йўқ эди. У ўлганнинг кунидан ўрнидан турди...

Меҳмонларга ширчой ва манти киритилди. Нажмиддинов бир шиша ароқни дастурхонга қўйди. Қудратов ажабланиб Усмоновга қаради. У шишани хонтахта остига олиб қўйди.

Меҳмонлар зиёфат учун Нажмиддиновга миннатдорчилик билдиргач, мактабга отланишди.

Нажмиддинов бироз карахт тургач, уларнинг изидан йўлга тушди. Мактабга боргач, бирор баҳона топиб қайтмоқчи эди. Дарс бошланди. У мактаб мудирининг хонасига кирди, аммо у йўқ эди. Шу вақт ёшгина муаллим уни огоҳлантирди.

— Дарсга кирмайсизми ахир, беш минут ўтиб кетди-ку!

— Усмоновни кўрдингизми?

— Кўрдим, у ҳозиргина сизни сўраган эди.

Аммо Усмонов ҳеч қаерда йўқ эди. Нажмиддиновнинг дарсга киришдан бошқа иложи қолмаган эди.

— Майли, бу соатда кетарман.

Энг шумтака синф ўқувчилари бугун сув қуйгандек тинч эди. Синфга кирди, ҳамма баравар ўрнидан турди.

— Ўтиринглар, —бепарво қўл силтади у.

Синф навбатчиси ахборот бера бошлади....

— Синфимизда ўттиз ўқувчи бўлиши керак. Иккитаси сабабли, биттаси...

— Ўтир, керакмас.

Ўқувчининг гапи оғзида қолди.

Нажмиддинов стулга ўтирди ва буюрди.

— Дарсимиз такрорлаш, ҳамманг овоз чиқармай ўтган мавзуни ўқинглар, аммо ғиринг деб овоз чиқарманглар. Менга ҳозир ҳеч қандай сас ёқмайди! Салим, тур, деразани каттароқ очиб қўй!

Нажмиддинов чуқур ух тортиб, лабини ялади.

— Аҳмад, бор, бир стакан совуқ сув олиб кел! Яхтай бўлсин.

Синф яна жим бўлиб қолди. Бир оздан кейин кимдир йўталди, атай қисқа-қисқа, маънодор қилиб. Овоз Усмоновникига ўхшарди. Нажмиддинов эшикка қаради. У ерда ҳеч ким йўқ эди. У ўтирган жойида кўзларини юмди.

— Ўртоқ Нажмиддинов! У бирдан сергак тортди. Мактаб мудирининг овозику. Ўзи қаерда экан.

Бирдан Нажмиддиновнинг кўзи орқа қаторга тушди. У ерда мактаб мудири ва икки комиссия тизилишиб ўтирарди. Усмонов негадир бир қимирлаб ҳам қўйди. Ўрнидан тураётган Нажмиддинов стол қиррасини маҳкам ушлади, бўлмаса йиқилиб тушишини билар эди...

Жўра ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилояти Олот районидаги С. Айний номли мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси.

ПЕДАГОГ-ТАРҒИБОТЧИ ЁН ДАФТАРИГА

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Бугунги кунда Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишбилармонликнинг хилма-хил усуллари билан боғланган 370 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётир. Республикамизда 4 мингга яқин ширкат, 7 мингдан зиёд кичик корхона, 700 дан ортиқ ижарачи ва 380 та қўшма корхона ишлаб турибди.

●

Ҳозир 1 доллар 248 сўмга тенгдир.

●

Россиядан Ўзбекистонга нефть ва нефть маҳсулотлари, кўмир, қора ва рангли металлар, кимё ва нефтькимё, тиббиёт ва микробиология, ёғочни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз саноати маҳсулотлари ва кўпгина бошқа моллар етказиб берилади.

Ўзбекистондан Россияга рангли металлар, пахта толаси, капролактам, кабель ва трансформаторлар, газмол, сабзавот, узум, полиз маҳсулотлари, мева-сабзавот консервалари, вино ва виноб моллар, тамаки хомашёси жўнатилади.

●

Хорижда ўқиб келиш учун нафақат олий ўқув юртлари талабалари, балки иқтисодчи, ҳуқуқшунос соҳаларидан ёш мутахассислар ҳам юборилмоқда. Фақат Туркиянинг ўзига ҳар йили 2 минг талаба ўқишга бормоқда.

●

Туркияда ўз малакаларини ошириб келиш учун биржалар, тижорат тузилмалари, банклар, молия ташкилот ходимларидан олий маълумотли 50 номзод танлаб бўлинди. Бу ишга АҚШ билан бирга Норвегия, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар ҳам қўшилдилар.

●

Тошкент давлат иқтисоднёт дорилфунунида даромадгирлик мактаблари очилди.

●

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимида айни кунларда 8524 та умумий таълим мактаби, 469 та ҳунар-техника билим юрти, 3096 та мактабгача тарбия муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Уларда 284 минг умумтаълим фанлари ўқитувчиси, 12 минг ишлаб чиқариш устаси, 2,7 минг махсус фан ўқитувчиси ва 45 минг мактабгача тарбия муассасалари педагог ходими ишламоқда.

●

Ҳозирги кунда Республикамизда 19 та лицей, 13 та гимназия ишлаб турибди.

●

Мустақил Ўзбекистон ёшларини тарбиялаш, касбларга йўналтириш имкониятлари катта. Айни вақтда республикада 548 та мактабдан ташқари муассаса, 265 та ўқувчилар саройи, 133 та техник ижодкорлик маркази, 122 та ёш табиатшунослар станцияси, 28 та болалар ва ўсмирлар саёҳат ҳамда ўлкашунослик маркази ўғил-қизлар хизматида.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ ОРДЕНЛИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(700064, Глинка кўчаси, 3)

1992 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА

Кундузги ўқиш учун:

Математик таҳлил, мантиқий математика, алгебра ва сонлар назарияси ва тарихи;
Физика ўқитиш услубияти;
Тасвирий санъат таълими услубияти;
Мактабгача тарбия услубияти;
Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти;
Умумий психология;
Ўсмирнинг педагогик ва психологик хусусияти.

СИРТДАН ЎҚИШ УЧУН:

Математик таҳлил;
Педагогика назарияси ва тарихи;
Математика ўқитиш услубияти.

ЭРКИН ТАНЛОВЛИ АСПИРАНТУРАГА

Кундузги ўқиш учун:
Педагогика назарияси ва тарихи;
Умумий психология;
Ўсмирнинг педагогик ва психологик хусусияти.

СИРТДАН ЎҚИШ УЧУН:

Умумий психология.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурада ўқиш учун 35 ёшдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун эса 45 ёшдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 2 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий-тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Ёш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Аспирантурага кириш учун аризалар институт ректорининг номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади:

Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа расми билан, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ва синов ҳамда имтиҳонлар варақасидан кўчирма, охирги иш жойидан оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танланган ихтисослиги бўйича машинка ёзувида 20—25 бет ҳажмида илмий маъруза (реферат) топширади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан, фалсафа ва бирор чет тили (инглиз, немис, француз, испан, итальян ва шарқ тиллари)дан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда имтиҳонларни топширишга рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларга тайёрланиши ва имтиҳон топшириши учун иш жойларидан иш ҳақлари сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб кираётган шахслар қолган имтиҳонларни топшириш учун ҳар бир имтиҳонга 10 кун ҳисобида қўшимча таътилдан фойдаланадилар.

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 25 октябргача қабул қилинади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти аспирантура бўлимига (тел. 54-74-20), ректорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосарига (тел. 55-47-86) мурожаат этиш мумкин.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32--78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г-358. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 20.30. Тираж 44521.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12